

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ
«БАНК-МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ
«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ**



КУРС ИШИ

Мавзу:

**ДЕКЛАРАНТЛИК ХИЗМАТЛАРИ ВА БУЮРТМАЧИЛАР БИЛАН
ХИСОБ_КИТОБЛАРНИНГ ХИСОБИ
(«SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖ мисолида)**

Бажарди: БҲ-112 гуруҳ талабаси

С.А.Очилов

Илмий раҳбар: профессор К.Б. Уразов

САМАРҚАНД-2015

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
-------------------	----------

I БОБ. ДЕКЛАРАНТЛИК ХИЗМАТЛАРИ ВА БУЮРТМАЧИЛАР БИЛАН ХИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИНИНИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Декларантлик хизматларининг моҳияти, аҳамияти ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи.....	7
1.2 Декларантлик хизмати ва буюртмачилар билан ҳисоб- китоблар ҳисобининг мақсади ва вазифалари.....	

II БОБ «SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖда ДЕКЛАРАНТЛИК ХИЗМАТИ ВА БУЮРТМАЧИЛАР БИЛАН ХИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИНИНИГ ҲОЛАТИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

2.1 «SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖда декларантлик хизматини хужжатлаштириш ва улардан олинган даромадларнинг ҳисоби.....	
2.2 «SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖда декларантлик хизмати буйича буюртмачилар билан ҳисоб китобларнинг ҳисоби.....	
2.3 «SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖда декларантлик хизматини курсатиш харажатлари ҳисоби ва улар таннархини калькуляция килиш тартиби.....	
2.4«SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖда декларантлик хизмати ва буюртмачилар билан ҳисоб китоблар ҳисобини яхшилаш йўллари.....	

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

ИЛОВАЛАР.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутушини кўрсатмоқда.”¹

Хизмат кўрсатиш соҳасида декларантлик хизматлари муҳим ўрин тутади. Ушбу хизмат турининг ўрни ва аҳамияти бевосита давлатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларида ёрқин намоён бўлади. Ташқи иқтисодий алоқаларсиз, маълумки, иқтисодиётни модернизациялашнинг негизини ташкил қилувчи юқори технологияли асбоб-ускуналарни, халқ истеъмоли учун энг зарур товарларни мамлакатимизга олиб кириб бўлмайди. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда ҳам декларантлик хизматларининг роли беқиёсдир. Шу боис ҳам, республикамизда мустақиллик йилларида давлат божхона тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, унинг инфраструктурасига кирувчи декларантлик хизматларини янада раванқ топтиришга катта эътибор қаратилди. Чунончи, мустақиллик йилларида республикамизда божхона ишлари ва декларантлик хизматларининг меъёрий ҳукуқий асосларини белгилаб берувчи “Божхона кодекси”, «Божхона хизмати тўғрисида» қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Айнан ушбу меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар махсус декларантлик хизматлари билан шуғулланувчи хўжалик субъектларини пайдо бўлишига асос солди.

¹ 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь, 11-сон.

Декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар ўзига хос бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланади. Улар бошқа иқтисодий бирликлар сингари ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисобида, яъни ўзини ўзи маблағ билан таъминловчи, барча харажатларини тўлиқ қопловчи ва пировардида фойда оловчи субъектлардир.

Таъкидлаш жоизки, декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолияти бухгалтерия ҳисоби адабиётларда етарлича ўз аксини топмаган. Улар бўйича махсус тадқиқотлар ҳам республикамизда олиб борилган эмас. Ушбу соҳа субъектларида ҳисобни юритиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлсада, бироқ улар махсус меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган. Декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ҳолатини ўрганиш махсус ўз ечимини кутаётган кўплаб долзарб жиҳатларнинг борлигини кўрсатмоқда.

Юқоридагиларнинг барчаси танланган мавзунинг долзарблигидан дарак беради, шунингдек тадқиқотларимизнинг мақсад ва вазифаларини ҳамда курс иши таркибини белгилашга асос бўлди.

Мавзунинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур курс иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади ва мазкур доирада бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ушбу курс ишининг мақсади декларантлик хизматлари ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳисобининг назарий, методологик ва ташкилий асосларини тадқиқ этиш ҳамда уларни янада яхшилашга қаратилган илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- декларантлик хизматлари ва унинг буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоб объектлари сифатидаги моҳиятини очиб бериш, уларнинг таснифий ва тавсий асосларини белгилаш;

- иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилиш декларантлик хизматлари ва унинг буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоб объектлари

сифатидаги моҳиятини очиб бериш, уларнинг таснифий ва тавсий асосларини белгилаш

- декларантлик хизматларига ихтисослашган субъектлар фаолияти, уларда ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳолатини тадқиқ этиш;

- амалиётини тадқиқ этиш ва унинг буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларини;

- декларантлик хизматларидан олинган даромадлар, уларга қилинаётган сарф-харажатлар ҳисоби, улар таннархини шакллантиришнинг хусусиятларини очиб бериш;

- декларантлик хизматлари ҳисобини такомиллаштириш йўналишларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар Арутюнова кучаси №4 А уй 10 хонадонда жойлашган «SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖ танлаб олинди. Ушбу МЧЖ юкларни божхона декларациясини расмийлаштириш хизмати, экспорт импорт юкларининг божхона декларациясини расмийлаштириш хизмати ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектдир.

«SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖ ҳуқуқий шахс ҳисобланиб, ўзининг мустақил балансига, юмалоқ муҳрига, штампига, статистик кодларига ва ОАТБ Турон банк Самарқанд филиалида 20208000100264700001- сонли ҳисоб рақамига (банк коди 00282) эга. МЧЖнинг чет эл валютасидаги ҳисоб рақамлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисоб рақамлари мавжуд эмас.

МЧЖт Самарқанд шаҳар ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтган, унга инспекция томонидан 2013 йил 12ноябрдаги № 10634- сонли реестр рақами билан № 06849-сонли гувоҳнома берилган.

Гувоҳнома бўйича МЧЖнинг:

Ташкилий ҳуқуқий шакли (ОПФ) ТХШ 1152

Мулкчилик шакли (КФС) МДП 142

Почта манзили (СОАТО) МХОБТ 1718401

Хос рақами (ОКПО) КТУТ 24509903

Тармок коди (ОКОНХ) ХХТУТ 51512

Солиқ тўловчи рақами СТИР 302746596.

МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан брокер сифатида фаолият олиб бориш тўғрисида рухсатномага эга. Унинг таъсис ҳужжатларининг нусхалари ишнинг илова қисмида келтирилган (1,2,3-иловалар).

Ишнинг ҳажми ва таркибий тузилиши. Курс иши кириш, 2 та боб, 6 та параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг умумий ҳажми 30 бетдан иборат.

I БОБ. ДЕКЛАРАНТЛИК ХИЗМАТЛАРИ ВА БУЮРТМАЧИЛАР БИЛАН ХИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИНИНИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Декларантлик хизматларининг моҳияти, аҳамияти ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи

Республикаимизда йилдан йилга хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётимиз равнақидаги ўрни ва аҳамияти юксалиб бормокда. Чунончи, 2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги ҳиссаси эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда².

Хизмат кўрсатишнинг турлари ҳам борган сари кенгаймоқда. Чунончи, унинг муҳим давлат аҳамиятига молик турлари бўлиб божхона хизматлари, декларантлик хизматлари ҳисобланади. Ушбу иккита турдаги хизматлар, бир томондан, ўзаро узвий боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи хизматлар ҳисобланса, иккинчи томондан эса, ўз мақсадига, бажарувчилари ва бажарилиш кетма-кетлигига кўра, мустақил ва бир-биридан фарқланувчи хизмат турларидир.

Хўш, декларантлик ва божхона хизматлари нима? Уларнинг мақсади, вазифалари, аҳамияти нималарда намоён бўлади? Махсус субъектлар асосий фаолиятини ташкил қилувчи декларантлик хизматларининг бухгалтерия ҳисобини юритишда муҳим роль ўйновчи таснифий ва тавсифий жиҳатлари нималардан иборат?

Қуйида ушбу муҳим саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

² 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь, 11-сон.

Божхона ва декларантлик хизматларига бўлган зарурат негизида хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолияти ётади. Ташқи иқтисодий фаолият деганда, одатда, импорт ва экспорт тушунилади.

Импорт – бу товар, маҳсулот, техника, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат қуроллари ва воситаларини, шунингдек иш ва хизматларни мамлакат ичига ўзга чет мамлакатлардан киритилишидир.

Экспорт – бу товар, маҳсулот, техника, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат қуроллари ва воситаларини, шунингдек иш ва хизматларни мамлакат ичидан чет мамлакатларга чиқарилишидир.

Ҳам импорт, ҳам экспорт кириб келадиган ва чиқиб кетадиган товар, маҳсулот, техника, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат қуроллари ва воситаларини махсус кўрикдан ўтказишни тақозо этади. Бундай махсус кўрик давлат божхона органлари томонидан ўтказилади. Ушбу орган кириб келаётган ва чиқиб кетаётган бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва чиқариш билан шуғулланади. Ушбу хизматлар биргаликда **божхона хизматларини** ташкил этади.

Божхона хизмати муҳим давлат аҳамиятига молик фаолиятдир. Республикамизда божхона хизматларининг яхлит тизими шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кумитасини ташкил этиш тугрисидаги ” 1997 йил 8 июлдаги ФП-1815 сонли фармони эълон қилинган. Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ кумитаси Божхона бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кумитаси ташкил қилиниб, у бевосита Вазирлар Маҳкамасига бўйсиндирилди.

Товар, маҳсулот, техника, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат қуроллари ва воситаларини махсус божхона кўрикигидан ўтказишгача турли мақомдаги ва мазмундаги ҳужжатларни тайёрлаш талаб этилади. Чунончи, киритилаётган ва жўнатилаётган товар, маҳсулот, техника, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат қуроллари ва воситаларини давлат стандартларига мослиги, сифат ва санитария сертификатиغا эгаллиги, ўзаро тузилган импорт ва экспорт

контрактлари, уларни банкларда қайд этилганлиги, юк божхона декларацияси ҳужжатларини махсус кўрикдан ўтказиш учун тайёрлашни тақозо этади. Бу ишларни божхона органига махсус декларантлик хизматларини кўрсатишга божхона органи томонидан рухсатномаси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар амалга оширадilar. Айнан ушбу корхоналарнинг кўрсатган хизматлари **декларантлик хизматлари** деб аталади.

Декларантлик хизматлари негизида декларация, декларант каби тушунчалар ётади.


Декларация французча «declaration» суздан олинган бўлиб, ариза деган маънони англатади.

Декларант - у божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб утувчи шахс ёки божхона брокери.

Декларант уни қандай шахс бўлишидан катъий назар конун ҳужжатларида назарда тутилган барча вазифаларни бажаради ва улар учун тулик жавобгар ҳисобланади.

Декларант божхона декларациясини топширгунга кадар божхона назорати остида товарлар ва транспорт воситаларини куздан кечиришга божхона органининг рухсати билан намуналар ва нусхалар олишга ҳақли. Агар товарларга доир божхона декларациясида ҳисобга олинган бўлса, намуналар ва нусхалар олинганида улар ҳақида алоҳида божхона декларацияси тақдим этилмайди.

Декларантлик хизматлари сотувчи, сотиб олувчи ва божхона органлари ўртасида киритиладиган ва чиқариладиган бойликларни божхона кўригидан ўтказишда кўрсатиладиган брокерлик хизматларидир. Ушбу хизматлар бўйича ҳужжатлар айланиши, шунингдек товар-моддий бойликларнинг ҳаракатини, ўзаро ҳисоб-китобларни схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (1-схемага қаранг).



1-схема Экспорт ва импорт товар айланиши

Юқоридаги жадвалдан куришиб турибдики экспорт импорт операцияларини амалга оширишда сотувчи, сотиб олувчи, божхона, брокер ҳамда банк бир бири билан товар айланишида мулоқотда бўлиб хужжатлар ва товарлар айланишини назоратини амалга оширадилар.

Товар, маҳсулот, техника, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат қуроллари ва воситаларини декларациялаш чоғида декларант:

- Ўзбекистон Республикаси божхона тугрисидаги қонунда назарда тутилган тартибга мувофиқ товарлар ва транспорт воситаларини декларациялашга:

- божхона органига божхона декларациясини топширишга :

- божхона органининг талабларига биноан декларацияланаётган товарлар ва транспорт воситаларини курсатишга:

- божхона органига божхона расмийлаштируви учун зарур булган хужжатлар ва қушимча маълумотларни тақдим этишга :

- божхона туловларини тулашга:

- божхона органларига божхона расмийлаштирувини амалга оширишда ёрдам беришга мажбурдир.

Конун хужжатларда декларантнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилган ҳоллар бўлиши мумкин .

Божхона брокери узини вакил қилган шахс ҳисобидан ва унинг топширигига биноан божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни ўз номидан ўтказувчи ҳамда божхона иши соҳасида бошқа воситачилик вазифаларини бажарувчи Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир.

Божхона брокери билан уни вакил қилган шахснинг ўзаро муносабалари шартнома асосида йўлга қўйилади.

Божхона брокерининг божхона органлари олдидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари уни вакил қилган шахс билан тузилган шартномада чеклаб қўйилиши мумкин эмас.

Юридик шахс божхона брокери сифатида фаолият олиб бориши учун:

- Ходимлар штатида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга эга бўлиши: (4- илова)

- ўшбу қонуннинг 100- моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хат бўлишида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш ҳақида шартнома тузиши шарт (5- илова)

Юридик шахсларининг божхона брокери сифатидаги фаолияти ўстидан назорат олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахасис божхона органи томонидан берилган божхона расмийлаштируви бўйича мутахасиснинг малака аттестати булган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси

декларант билан меҳнат шартномаси тузилган ва шу декларант номидан божхона расмийлаштируви бўйича ҳаракатларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсидир (6,7-иловалар)

1.2. Декларантлик хизмати ва буюртмачилар билан ҳисоб- китоблар ҳисобининг мақсади ва вазифалари

Декларантлик хизматларини тадбиркорлик фаолияти сифатида махсус хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олиб борилиши, бунда давлат томонидан белгиланган қонунларга амал қилишнинг мажбурийлиги, ўзга юридик ва жисмоний шахслар билан узвий молиявий-хўжалик муносабатларида бўлишлик, барча харажатларни олинган даромадлар эвазига қоплаш, белгиланган солиқларни тўлаш ва соф фойдага эришиш ушбу турдаги хўжалик юритувчи юридик шахсларни ҳам бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектлари эканлигидан дарак беради.

Декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг барчаси ишлаётган одамларининг сонига кўра микрофирмалар ва кичик корхоналар бўлиб ҳисобланади. Уларнинг аксарияти ягона солиқ тўлови режимида ишловчи субъектлардир. Шу жиҳатда улар бухгалтерия ҳисоби мажбурий тарзда юритиладиган ва бунда бухгалтерия ҳисоби ва солиқ қонунчилигига амал қилишлари лозим бўлган субъектлар ҳисобланади.

Декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади уларда амалга ошириладиган молиявий хўжалик фаолиятини узлуксиз назорат қилиш, амалга оширилган барча хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш, тегишли счётларда ва ҳисобот шаклларида акс эттиришдан иборат. Ушбу мақсад декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг функциялари ва вазифаларини белгилаб беради.

Декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби асосан тўртта функцияни бажаради, Булар: (1) ахборот бериш

функцияси; (2) назорат функцияси; (3) таҳлил қилиш функцияси; (4) тескари алоқаларни таъминлаш функцияси.

Бухгалтерия ҳисобининг ахборот бериш функцияси деганда декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектнинг моливий хўжалик фаолияти, бу фаолиятни миқдор ва пул бирлигида акс эттирувчи кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, гуруҳлаш, жамлаш ва тегишли фойдаланувчиларга узатиш тушунилади. Бу турдаги субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини миқдор ва пул бирлигида акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- *кўрсатилган декларантлик хизматлари сони;
- *декларантлик хизматларидан олинган даромадлар;
- *декларантлик хизматларига қилинган харажатлар ва улар таннари;
- *декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг таннарга киритилмайдиган бошқа харажатлари;
- *декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг солиқ тўловлари;
- *декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг асосий ва умумхўжалик фаолиятдан олган фойдаси ёки зарари;
- *декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг соф фойдаси ва унинг тақсимланиши.

Шунингдек, декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар ўз фаолиятини бритаишлари учун тегишли активларга, ўзининг устав капитали ва бошқа турдаги хусусий капиталига эга бўлишлари лозим. Хўжалик фаолиятини юритишда улар олдида пул тўловларига олиб келадиган турли мажбуриятлар, чунончи таъминотчилар, ходимлар, таъсисчилар, бюджет олдида қарздорликлари вужудга келади.

Бухгалтерия ҳисоби бошқарув воситаси сифатида декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолиятига оид юқорида келтирилган барча кўрсаткичлар тўғрисида тизимли ва реал ахборотларни бериши керак.

Бухгалтерия ҳисобининг назорат функцияси деганда декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектнинг моливий хўжалик фаолиятини ташкил қилувчи барча хўжалик жараёнлари ва операцияларининг қонунийлиги, ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилганлиги, ахборотларни тўғри шакллантирилганлиги устидан бухгалтерлик назоратини олиб бориш тушунилади. Бундай назорат дастлабки, жорий ва қлгуси назорат шаклларида олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисобининг таҳлил функцияси деганда декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектнинг моливий хўжалик фаолиятини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларни динамик ва статик жиҳатдан ўрганиш, вужудга келган тенденцияларни, ижобий ва негатив ҳолатларни аниқлаш тушунилади.

Тескари боғланиш функцияси декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолияти тўғрисидаги ахборотлар, олиб борилган назорат ва таҳлил асосида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш, ушбу қарорлар асосида хўжалик фаолиятини янада яхшилашда намоён бўлади.

Бухгалтерия ҳисобининг юқорида эътироф этилган функциялари унинг асосий вазифаларини ҳам белгилаб беради. Чунончи, бундай вазифаларнинг асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- *кўрсатилган декларантлик хизматларини тўғри расмийлаштириш;
- *декларантлик хизматларидан олинган даромадларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттириш ;
- *декларантлик хизматларига қилинган харажатлар ҳисобини тўғри юритиш ва улар таннархини тўғри аниқлаш;
- *декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг таннархга киритилмайдиган бошқа харажатлари ҳисобини тўғри юритиш ;
- *декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг солиқ тўловларини тўғри ҳисоб-китоб қилиш ва уларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттириш;

*декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг асосий ва умумхўжалик фаолиятидан олган фойдаси ёки зарари, соф фойдаси ва уни тақсимланишини ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттириш;

*декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар молиявий ҳисоботини ўз вақтида ва тўғри тузиш ҳамда уни тегишли ахборот фойдаланувчиларга етказиб бериш.

Декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишнинг асосий омиллари бўлиб республикамизда амалда бўлган қонунларга, қонунсти ҳужжатларига, чунончи БҲМСларга, низомлар ва йўриқномаларга амал қилиш ҳисобланади. Ушбу меъёрий ҳужжатларга қай даражада декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларда амал қилинаётган ҳолатига ишимизнинг кейинги бобида тўхталамиз.

**II БОБ «SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖДА
ДЕКЛАРАНТЛИК ХИЗМАТИ ВА БУЮРТМАЧИЛАР БИЛАН
ХИСОБ-КИТОБЛАР ХИСОБИНИНИГ ҲОЛАТИ ВА УНИ
ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ.**

**2.1 «SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖда
декларантлик хизматини хужжатлаштириш ва улардан олинган
даромадларнинг ҳисоби**

«SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖ юкларни, транспорт ва бошқа ускуналарни божхона кўригидан ўтказиш бўйича брокерлик хизматларини курсатувчи субъект ҳисобланади. У 2013 йил 12 ноябрда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги томонидан 10634-сонли тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтган, гувоҳнома № 06849.

МЧЖ божхона брокери сифатида фаолият олиб боради. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Давлат юоҳхона қўмитасида 1490-сон рақам билан рўйхатга олинган.

МЧЖнинг таъсисчилари бўлиб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Джумаев Отабек Раббимович ва Рустамов Шавкат Одилович ҳисобланади. Жами устав капитал 4 000 000 сўм ва уларнинг ўртасида 50/50 нисбатда тақсимланган. МЧЖнинг устав капитали тўлиқ шакллантирилган.

МЧЖнинг асосий реквизитлари:

*ташкилий-ҳуқуқий шакли -1152;

*мулкӣ шакли – 142;

*юрӣдик шахс коди 24509903;

*тармоқ коди – 51512;

*СТІР - 302746596

*хизмат кўрсатувчи банк – Туронбанк, коди 00282;

*ҳисоб рақами - 2020800010026470001

«SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖ штат жадвали 6 кишидан иборат, чуончи:

*Директор- 1 киши;

*директор ўринбосори – 1 киши;

*бош ҳисобчи – 1 киши;

*божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар – 3 киши.

МЧЖнинг асосий фаолияти импорт ва экспорт операциялари бўйича декларантлик хизматларини курсатишдан иборат

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилатган импорт товарлар бўйича декларантлик хизматларини курсатишда қуйидаги ҳужжатлар қўлланилади:

1.Товарни жунатилганлигини тасдиқловчи Счет фактура

2.Товарни Ўзбекистон Республикасига олиб кирилганлиги тугрисида автомобил юк хати (CMR)

3.Олиб келинаётган товарни жунатилган давлат божхона кумитасидан берилган декларация.

4.Товарнинг сифат Сертификати ва бошқалар.

5. Тузилган импорт шартнома.

6.Давлат божини тулаганлиги тугрисида тулов квитанцияси.

7.Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бериладиган хулоса.

Декларант олинган ҳужжатларни сканер килинган нусхаларини давлат божхона бошқармаси томонидан тайинланган инспекторга декларация қилиш учун жунатади ва ИМ -74 шаклга (божхона омборига қирим қилиш) учун далаолатнома номерини инспектордан олади.Шундан сунг ИМ-40 шаклга олиниб миждоз товарини узининг омборига олиб бориш ҳуқуқига эга бўлади (8-илова).

Ўзбекистон Республикасидан товарларни эскпорти бўйича декларантлик хизматларини курсатишда қуйидаги ҳужжатлар қўлланилади:

1.Фитосанитария сертификати.

2.Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бериладиган хулоса.

3.Товарни келиб чиқиши тўғрисида сертификат.

4.Товарни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилаётганлиги тугрисида автомобил юк хати (CMR).


5.Товарни жунатилганлигини тасдикловчи счет фактура.

6.Тузилган экспорт шартнома.

7.Давлат божини тулаганлиги тугрисида тулов квитанцияси.

Декларант олинган хужжатларни сканер килинган нусхаларини давлат божхона бошкармаси томонидан тайинланган инспекторга декларатция килиш учун жунатади ва ЭК-10 шаклга (божхона омбордан олиб чиқиш) учун далаолатнома номерини инспектордан олади (9-илова)

Экспорт ва импорт махсулотларини декларация килишда куйидаги кетма кетликдан иборат хужжатлар айланиши юзака келади (2-схемага қаранг).



товар билан келган хужжатларни) рангли оригинал ҳолатида сканер қилиб электрон имзолаш билан бириктириб жунатилади.



Божхона пости бошлиғи томонидан ажратилган божхона қуриғини утказиш учун божхона ходими божхона қуриғини утказади. Божхона қуриғи давомида божхона вакили томонидан ушбу келган юкни улчаш, санаш, ва текшириш билан бирга ҳкелган хужжатлари билан солиштириб тугри ёки нотугрилиғини аниқлаб ҳолислар ва божхона расмийлаштирув мутахасиси ҳамда омбор вакили билан биргаликда божхона қуриғи далолатномасини тузадилар. Шу орада электрон божхона декларацияси расмийлаштирилади.



Товарларни Ўз-н Республикаси қонунчилиғи доирасида талаб қилинадиган тегишли органлар сертификатлари, рухсатномалари ва хоказо хужжатлари қорхона вакили томонидан йигилиб ИМ-40 режимига расмийлаштириш учун тайёрланади.



Божхона расмийлаштируви бўйича мутахасис ушбу келган юкларни ИМ-40 божхона режимига электрон божхона юк декларациясини тулдириб Ўз-н Республикаси қонунчилиғи доирасида талаб қилинган хужжатларни электрон божхона юк баённомасига тугри расмийлаштириб ва белгиланган таърифлар бўйича божхона туловларини ҳисоблаб бериб электрон божхона юк декларациясини расмийлаштиради ва ушбу ҳисобланган божхона туловларини қорхона томонидан давлат газнасига тулик утказилганлиғини назорат қилади.



Юқорида қурсатилган амаллар бажарилгандан сунг божхона расмийлаштируви бўйича мутахасис ИМ-40 режимига электрон божхона юк баённомасини расмийлаштириб божхона электрон партали орқали электрон божхона юк баённомасини жунатади.



Божхона вакили томонидан ушбу электрон божхона юк баённомасини текшириб чикиб, божхона расмийлаштирувини амалга оширади.



Барча туловлар тулик туланиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгандан сунг ушбу товарлар корхонанинг ихтиёрида булиб, узининг омборига олиб боришга ва ишлатилишига рухсат берилади.


2-схема. Экспорт ва импорт махсулотларини декларация килиш ва хужжатлаштириш кетма кетлиги.


Декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг асосий кўрсаткичи бўлиб даромадлар ҳисобланади.

Даромадларнинг моҳияти, таснифи ва тавсифи республикамизда қабул килинган қуйидаги сеъёрий хужжатларда атрофлича очиб берилган:

1. Ўзбекистон республикаси Солиқ кодекси (20-боб)
2. “Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос”
3. 2- сон БХМС “Асосий хужалик фаолиятдан олинган даромадлар”
4. «Махсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисидаги Низом»
5. “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари”

Ушбу меъёрий хужжатларга мувофиқ **даромад** - бу, ҳисоб даврида устав капиталига таъсисчиларнинг киритган сармояларини истисно этган ҳолда, корхона хусусий капиталининг ортишига олиб келувчи активларнинг қупайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши.





21-сон БҲМСга мувофиқ сотишдан олинган даромадлар қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

Счёт №	Счётларнинг номи	Счёт тури
9000	Асосий фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар	Т
9010	Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар	Т
9020	Товарларни сотишдан олинган даромадлар	Т
9030	Бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлар	Т
9040	Сотилган товарларнинг қайтарилиши	Т, КП
9050	Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар	Т, КП

Сотишдан олинган даромадларнинг счётларда акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Дебет	Кредит	Асос
1	Тайёр маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларнинг сотилиши, сотиш қиймати (ҚҚС ва акциз солиғисиз)	4010, 4100, 5010	9010, 9020, 9030	Счет-фактура, кирим касса ордери
2	Тайёр маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматлар мажбуриятларни қоплаш учун берилганда, келишув қиймати (ҚҚС ва акциз солиғисиз)	6010, 6100, 6900, 7010, 7100, 7900	9010, 9020, 9030	Счет-фактура
3	Тайёр маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматлар иш ҳақи ўрнига берилганда, келишув қиймати (ҚҚС ва акциз солиғисиз)	6710	9010, 9020, 9030	Тўлов қайдномаси
4	Тайёр маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматлар таъсис бадали сифатида киритилганда, келишув қиймати (ҚҚС ва акциз солиғисиз)	0600	9010, 9020, 9030	Таъсис шартномаси, счёт-фактура
5	Сотилган товарларнинг қайтарилиши	9040	4010, 4100, 6990, 5110	Счет-фактура
6	Ҳисобот даврининг охирида 9040 «Сотилган товарларнинг қайтарилиши» счётининг ёпилиши	9010, 9020, 9030	9040	маълумотном а
7	Сотиш ва нархдан чегирмалар бериш	9050	4010, 4100, 6990, 5110	Счё1т-фактура
8	Ҳисобот даврининг охирида 9050 «Берилган чегирмалар» счётининг ёпилиши	9010, 9020, 9030	9050	маълумотном а
9	Ҳисобот давр охирида сотишдан олинган даромад счётларининг ёпилиши	9010, 9020, 9030	9910	маълумотном а

Декларантлик хизмати буйича олинган даромадларнинг ҳисоби жамият ҳисобхонасида Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг миллий стандарти №21-сонга асосланган ҳолда 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар курсатишдан олинган даромадлар” счётининг кредитида ва 4010 “Олинадиган счётлар” счётининг дебитида акс эттириб келинган. Мисол тарикасида 2014 йил май ойида курсатилган декларантлик хизматлари буйича берилган умумий утказмалар қуйидагилардан ибора (10-илова).

№	Хужалик муомалаларининг мазмуни	Дебит	Кредит	Сумма
1	Бажарилган иш ва курсатилган декларантлик хизматларидан олинган даромадлар	4010	9030	6 805 000
2	Даромадларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9030	9910	6 805 000

Узбекистон Республикаси Бухгалтерия Хисобининг миллий стандарти №2-сон Асосий фаолиятдан тушган даромадлар стандартига асосланган ҳолда хизмат курсатишдан келадиган даромадлар шу операция билан боғлиқ бўлган иктисодий самара хужалик юритувчи субъект хисобига келиши эҳтимоли мавжуд бўлганда тан олинади.

Корхоналарнинг жами даромадларига қуйидагилар киради:

- товарларни (ишларни, хизматларни) **(кейинги ўринларда — товарларни)** реализация қилишдан олинadиган даромадлар;
- бошқа даромадлар.

Жами даромадни шакллантиришда қуйидагилар солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди:

- устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар;
- муассислар таркибидан чиқиладиганда (улуш камайтирилганда, тугатила- ётганда) устав фондига ҳисса доирасида олинган маблағлар;
- оддий ширкат шартномаси шеригининг шартнома шериклари умумий мулкидаги улуши қайтариб берилган (бўлинган) тақдирда ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар ва бошқа қонунда курсатилган ҳолларда.

«SAMARQAND EXSPRESS BROK SERVIS» МЧЖнинг 2014 йил давомида ойма ой брокерлик хизмат курсатишдан олинган даромадларини қуйидагича:

№	Ойлар	Курсатилган хизматлар суммаси
1	Январь	6 705 000
2	Февраль	6 695 000
3	Март	8 620 000
4	Апрель	8 855 000
5	Май	6 805 000
6	Июнь	6 115 000
7	Июль	9 535 000
8	Август	7 020 000

9	Сентябрь	8 490 000
10	Октябрь	8 320 000
11	Ноябрь	7 840 000
12	Декабрь	9 340 000
	Жами йиллик	94 340 000

Юкоридаги жадвалдан ва жамиятнинг 2014 йил якунлари буйича Самарканд шаҳар ДСИ топширилган йиллик молиявий натижалари тугрисидаги ҳисоботини таҳлил қилишда жамият 2014 йилда 94 340 000 (туксон тўрт миллион уч юз қирк минг) сум декларантлик хизмати курсатишдан даромад олишга эришган ва курсатилган хизматлар таннари 37 885 400 (уттиз етти миллион саккиз юз саксон беш минг тўрт юз) сум, жами қилинган харажатлари 21 355 600 (йигирма бир миллион уч юз эллик беш минг олти юз) сум, туланган солиқлари 6 091 100 (олти миллион туксон бир минг бир юз) сум жами олинган соф фойдаси 29 007 900 (йигирма туккиз миллион етти минг туккиз юз) сумни ташкил қилган. бундан қурилиб турибдики жамият курсатилган декларантлик хизмати буйича тугри ва оқилона ҳисоб сиёсатини олиб борган.

2.2 «SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖда декларантлик хизмати буйича буюртмачилар билан ҳисоб китобларнинг ҳисоби

Декларантлик хизмати буйича буюртмачилар билан ишлашда миқдорлар билан биринчи қилинадиган иш улар билан узаро қелишилган ҳолда шартнома тузилиб олинади. Шундан сунг миқдорларнинг тақдим қилинган ҳужжатларига асосланиб божхона бошкармасининг белгиланган инспекторлари билан боғланиб ҳужжатлар айланиши шакллантирилади (12-илова)

Декларантлик хизмати буйича миқдорлар олдиндан ҳисоб китоб счётига пул маблағи утқазиб берилганда Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия

Хисобининг миллий стандарти №21-сонга асосланган ҳолда 2014 йил январ ойида декларантлик хизмати бўйича 5 000 000 пул маблағлари келиб тушган.

Д-т	К-т	сумма
5110	6310	5 000 000

(13,14-иловалар)

Ушбу юқорида берилган утказмалар 21-сон БХМС талабларига мос равишда берилган.

Декларантлик хизмати бўйича миқозлар ҳар ойлик бажарилган ишлар бўйича 2014 йил март ойнинг охирида бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси ҳамда счёт фактуралар ёзилиб миқозларга тақдим қилиб борилган ва қуйидагича утказмалар берилган

Д-т	К-т	сумма
4010	9030	8 620 000

(15,16-иловалар)

Ушбу юқорида берилган утказмалар 21-сон БХМС талабларига мос равишда берилган.

Декларантлик хизмати бўйича миқозлар билан ҳар ойнинг охирида, чорак охирида ва йиллик бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар бўйича солиштирма далолатномалар тузилган.

(17-илова)

2.3 «SAMARQAND EXPRESS BROK SERVIS» МЧЖда декларантлик хизматини курсатиш харажатлари ҳисоби ва улар таннаrxини калькуляция қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралдаги №54 сон маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисидаги маскур низом ҳужалик юритувчи субъектлар –юридик шахсларнинг ,шунингдек юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот

(ишлар,хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди.

Ушбу низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.Хужалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади.

Маҳсулот (ишлар,хизматлар)ни ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар,хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган,ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади.Уларга қуйидагилар тегишли бўлади:

- Бевосита ва билвосита моддий харажатлар
- Бевосита ва билвосита меҳнат харажатлар
- Бошқа бевосита ва билвосита харажатлар
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар

Маҳсулот (ишлар,хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига қўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- 1.Ишлаб чиқариш моддий харажатлари
- 2.Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари
- 3.Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар
- 4.Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активларнинг эскириши
- 5.ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар

Ушбу жамиятда декларантлик хизматларини курсатишда харажатлар таркиби 2014 йил якунлари бўйича Самарканд шаҳар ДСИ топширилган йиллик молиявий натижалари тугрисидаги ҳисоботини таҳлил қилишда қуйидагиларни қўриб чиқдик.

- 1.Жами йиллик даромади - 94 340,0 (минг) сум
- 2.Декларантлик хизматларини курсатиш таннархи - 37 885,4 (минг) сум
- 3.Сотиш харажатлари - 645,8 (минг) сум
- 4.Маъмурий харажатлар - 18 767,5 (минг) сум
- 5.Бошка харажатлар - 870,10(минг) сум

Ушбу жамиятда мижозларга декларантлик хизмати курсатиш буйича хизматлар таннархини калькуляция килиб борилган. Таннарх калькуляциясидан нусха 18-иловада келтирилган.

2.4«SAMARQAND EXSPRESS BROK SERVIS» МЧЖда декларантлик хизмати ва буюртмачилар билан ҳисоб китоблар ҳисобини яхшилаш йўллари

Корхонанинг асосий фаолияти хизмат кўрсатишдир. Бу фаолиятни маълум воситалари ёрдамида амалга оширади. Бу борада корхонанинг таъминоти даражаси бевосита молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Корхонанинг хизмат кўрсатишда фойдаланаётган мавжуд компьютер техникаси ва объектлари миқдор жиҳатдан етарли аммо уларнинг ҳолати ва самарадорлик даражаси яхши даражада, чунки компьютер техникаларнинг аксарияти янги ва етарли эҳтиёт қисмлар билан ва мижозлар учун керакли барча шароитлар билан таъминланган. Бундай нуқсонлар бевосита корхона сарф-харажатларини камайиши билан бирга, буюртмачилар сонини купайишига сабаб бўлмоқда.

Бу омиллар эса бевосита корхонанинг молиявий барқарорлик даражасига ижобий таъсир ўтказиб бормоқда. Буни биз юқорида корхонанинг молиявий ҳисоботларида кўриб ўтдик.

Ана шундай ҳолатдагина корхона кўрсатаётган хизматлар таннархини пасайтириши ва самарадорлик даражасини оширишга эришиб келинган.

«SAMARQAND EXSPRESS BROK SERVIS» МЧЖ томонидан Самарканд шаҳар ДСИ га 2013 йилнинг 4- чорак ва 2014 йилнинг 1-чорак, 2-чорак,3-чорак ва 4-чорак ҳисоботлари уз вақтида тақдим этилган.

Жамият фаолият бошлаганига куп булмаганлиги сабабли жамиятда бугунги кунга кадар хеч кандай текширишлар олиб борилмаганлиги маълум булди.

Корхонада молиявий ҳисоботларнинг даврийлиги тулик ва жамиятда бухгалтерия 1С программасида юритилаётганлигига амин булдик. Бирламчи ҳужжатлар тўлиқ, бош китоб, оборот ведомствлари, иш хақи ҳисоблаш китоби, дебитор кредиторлар тўлиқ тузилган ва ўзаро мослик тамойилларига тугри келади.

МЧЖДа декларантлик хизматлари ўзаро тузилган шартномалар асосида амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу шартномаларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаги, уларда хизмат ҳақи умуман кўрсатилмаган. Мижозга кўрсатилган хизматлар учун счё-фактуралар белгиланган шаклларда берилмоқда, лекин улардаги суммалар шартномалар билан тасдиқланмайди. Бу МЧЖда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар реаллигига кафолат мавжуд эмаслигидан дарак беради.

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, республикамизда бухгалтерия ҳисобига доир амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда декларантлик хизматлари хусусиятлари тўлиғича инобатга олинмаган, бу хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда улар ҳисоби тартиби махсус белгиланмаган. Чунончи, БҲМС № 2да декларантлик хизматларидан даромадлар моҳияти, таркиби ва шакллантирилиш тартиби махсус берилмаган, БҲМС № 21 да декларантлик хизматларига доир ҳўжалик операцияларига оид бухгалтерия ёзувлари алоҳида кўрсатилмаган. «Харажатлар таркиби тўғрисида Низомда декларантлик хизматлари таннархини шакллантириш тартиби махсус белгиланмаган.

Юқоридагиларнинг барчаси республикамиз миқёсида декларантлик хизматларини табора равақ топаётганлигини эътиборга олган ҳолда махсус меъёрий ҳужжатларни яратишга зарурат борлигидан ҳам дарак беради. Бундай меъёрий ҳужжатларни республика миқёсида яратилиши барча декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларда ҳисоб ва ҳисоботни яхлит методологик асосларда олиб борилишига имкон берган бўлар эди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Декларантлик хизматлари ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларни қилишга имкон берди.

1. Республикамизда хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Бу бевосита декларантлик хизматларига ҳам дахлдордир. Ушбу хизмат турининг ўрни ва аҳамияти бевосита давлатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларида ёрқин намоён бўлади. Ташқи иқтисодий алоқаларсиз, маълумки, иқтисодиётни модернизациялашнинг негизини ташкил қилувчи юқори технологияли асбоб-ускуналарни, халқ истеъмоли учун энг зарур товарларни мамлакатимизга олиб кириб бўлмайди. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда ҳам декларантлик хизматларининг роли бекиёсдир.

2. **Декларантлик хизматлари** – бу товар, маҳсулот, техника, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат қуроллари ва воситаларини махсус божхона кўрикигидан ўтказишгача турли мақомдаги ва мазмундаги ҳужжатларни тайёрлаш, уларни божхона органига тақдим этишга доир ишлар мажмуаси. Бу хизматларини кўрсатишга божхона органи томонидан рухсатномаси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ҳақлидир.

3. Декларантлик хизматларини тадбиркорлик фаолиятидир, бу фаолиятни юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар давлат томонидан белгиланган қонунларга амал қилишлари мажбурийдир, улар барча харажатларни олинган даромадлар эвазига қоплашлари, белгиланган солиқларни тўлаш ва соф фойдага эришишлари лозим. Айнан шу мақомда декларантлик хизматларини кўрсатувчи бирликлар бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектлари ҳисобланади.

4. Декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, уларда хизмат ҳақи умуман кўрсатилмаган.

Мижозга кўрсатилган хизматлар учун счёт-фактуралар белгиланган шаклларда берилмоқда, лекин улардаги суммалар шартномалар билан тасдиқланмайди. Бу МЧЖда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар реаллигига кафолат мавжуд эмаслигидан дарак беради.

5. Шунингдек декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларда қуйидаги ишларни амалга ошириш зарурати бор:

- Ҳисоб регистрларини ҳисоб сиёсатига мос узликсиз ҳисоб тизимида юритиш;
- Ҳисоботларни бирламчи ҳужжатларга мослигини таъминлаш ва тўғри тузиш;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўз вақтида ундириш ва тўлаш.

6. Республикамизда бухгалтерия ҳисобига доир амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда декларантлик хизматлари хусусиятлари тўлиғича инобатга олинмаган, бу хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда улар ҳисоби тартиби махсус белгиланмаган. Чунончи, БҲМС№ 2да декларантлик хизматларидан даромадлар моҳияти, таркиби ва шакллантирилиш тартиби махсус берилмаган, БҲМС № 21 да декларантлик хизматларига доир ҳўжалик операцияларига оид бухгалтерия ёзувлари алоҳида кўрсатилмаган. «Харажатлар таркиби тўғрисида Низомда декларантлик хизматлари таннархини шакллантириш тартиби махсус белгиланмаган.

7. Юқоридагиларнинг барчаси республикамиз миқёсида декларантлик хизматларини табора равақ топаётганлигини эътиборга олган ҳолда махсус меъёрий ҳужжатларни яратишга зарурат борлигидан ҳам дарак беради. Бундай меъёрий ҳужжатларни республика миқёсида яратилиши барча декларантлик хизматларини кўрсатувчи субъектларда ҳисоб ва ҳисоботни яхлит методологик асосларда олиб борилишига имкон берган бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.—Т: Ўзбекистон, 2010.-10 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси—Тошкент. 2007 йил 25 декабр
3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» қонун. 1996 йил 30 август.
4. Ўзбекистон Республикаси “Божхона тугрисидаги ” қонун
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори. 2005 йил 15 июнь, № ПҚ-100.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилга асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори .
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори. 1999 йил 5 феврал. 54-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Статистик ва молиявий ҳисоботни янада такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 2002 йил 25 июн, № 30.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар харажатлари ва молиявий натижаларининг шаклланиши ҳисоби тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. 2003 йил 15 октябрь, № 444
10. Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.2012 йилдаги №370 сонли божхона юкларини электрон расмийлаштириш тугрисида қарори.
- 13.Каримов И.А. Асосий вазифамиз- ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон»,2010. – Б. 57
14. Каримов И. А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация

жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь, 11-сон

15.Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, Таржима./А. Ризақулов, Б.Хасанов, А.Усанов, З.Маматов. Т.; 2004.

16.. Urazov K.B. Buxgalteriya hisobi va audit. O‘quv qo‘llanma. – Т.: O‘qituvchi, 2004. -448

17.Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Аннаев М.Б. Молиявий ҳисоб. – Самарканд, 2014.